ЎҚИТИШ УСЛУБЛАРИНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Нигина Сайфутдиновна Иманхаджаева
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада тарих фанларини ўқитишдаги анъанавий ва ноанъанавий тааълимдаги усул ва услубларнинг аҳамияти бўйича тўҳталиб ўтилган. Таълимнинг ўзига хос хусусиятга эга бўлган усуллари, ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган бир қатор технологияларни ўтказиш бўйича тавсиялар келтирилиб ўтилган.

Калит сўзлар: технология, тренинглар, интерфаол, индивидуаллаштирилган, мотивация, репродуктив, тизимли ёндашув, интеллектуал, эмоционал, диспут, динамик жараёнлар, эксперимент, моделлаштириш.

DIFFERENCES OF TEACHING METHODS

Nigina Sayfutdinovna Imankhadjayeva
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

This article focuses on the importance of methods and techniques in traditional and non-traditional teaching in the teaching of history. Recommendations are given for the transfer of a number of technologies that can be used in the teaching process, as well as specific methods of teaching.

Keywords: technology, training, interactive, individualized, motivation, reproductive, systematic approach, intellectual, emotional, dispute, dynamic processes, experiment, modeling.

КИРИШ

Ўқитишнинг услуб ва усулларини танлашда ўқув материалининг мазмунини, уни ўрганишнинг мақсадини асос қилиб олиш, масалага тарихий-услубик мезон билан ёндошиш ва ҳал этиш зарурлиги кўрсатилади. Ўқитишнинг услуб ва усулларини танлашда шуни назарда тутмоқ керакки, ўқувчилар эсда сақлаб қолиши зарур бўлган билимларни шунчаки баён қилиб қўя қолиш билан мақсадга эришиб

бўлмайди. Ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини активлаштириш, уларни амалий фаолиятга тайёрлаш, ўргатиш ҳам лозим.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Уларда мустақил ижодий изланиш, янгиликка интилишни кучайтириш, ҳали жамиятга маълум бўлмаган билиш усулларини қидириб топиш ва амалий фаолиятга жорий эта билиш қобилиятини ҳам ривожлантириш керак И.Я.Лернер ўқитиш услубларини 5 гуруҳга бўлади:

1. Баён - иллюстрация услуби
2. Репродуктив услуб
3. Илмий - тадқиқот услуби
4. Қисман изланиш ёки эвристик услуб
5. Муаммоли таълим ёки муаммоли ўқитиш.

Тарих фанларини ўқитишнинг инновацион усул ва услублари бўйича кўплаб услубий-методик таъминотлар яратилган бўлиб, уларда таълим самарадорлигини оширишда фаол бўлган методикалар тақдим этилган. Тарих фанларини ўқитишнинг самарадорлиги бўйича кўплаб олимлар томонидан ўқув-методик таъминот яратилган бўлиб, Ю.К.Бабанский, Р.Ш.Ахлиддинов, Ю.Н.Абдуллаев, М.Х.Маҳмудов, Л.В.Голиш, Т.Тошпўлатов, Я.Х.Ғаффоров, Ш.Қ.Мардонов, Ж.Э.Усаров кабиларнинг илмий-услубий ишларида таълимни ижодий ташкил этиш, умумий ўрта таълимни такомиллаштириш, таълимни демократлаштириш ва бошқа хусусиятлар бўйича методик таъминотлар келтирилиб ўтилган

Таълимнинг фаол усуллари – таълим олувчиларнинг билим орттириш фаолиятини кучайтириш усуллари. Асосан у ёки бу муаммони ечиш йулларини излашда тахминий эркин фикр алмашиниш диологи асосида курилади. Айниқса кенг тарқалган ва ўзига хос хусусиятга эга бўлган таълимнинг фаол усулларига қуйидагилар киради: сухбат, мунозара, таълимий ўйинлар, “кейс-стади”, лойихалаш усули, муаммоли усул, мияга ҳужум ва б. Интерфаол таълим – таълим берувчи ва таълим олувчи уртасидаги (таълим олувчи ва компьютер) ўзаро ҳаракатни амалга оширувчи диалогли таълим.

МУҲОКАМА

Анъанавий ўқитиш услуби-ўнлаб йиллаб ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, анъанавий дарс ўтиш таълимнинг самарали моделларидан бири бўлиб қолмоқда. Анъанавий дарс – муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш, ёритиш мустаҳкамлаш ва якунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.Ўқув материали янги ва анча мураккаб бўлганда, анъанавий дарс – кўп ҳолларда таълим жараёнининг бирдан - бир услуби бўлиб қолмоқда. Анъанавий дарс самарадорлиги

анча паст бўлиб, ўқувчилар таълим жараёнининг пассив иштирокчиларига айланиб қоладилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган холда, унга турли – туман ўқувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган услублар билан бойитиш ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кўтарилишига олиб келар экан.

Ўқитишнинг ноанъанавий услублари-келгуси мавзуларда ўқитишнинг (ўрганишнинг) ноанъанавий услуб устида батафсил тўхталамиз. Бу моделларни шартли равишда 3 га ажратиш мумкин.

- ҳамкорликда ўрганиш ;
- моделлаштириш;
- ўрганишнинг тадқиқоти;

Бу моделлар асосан ўқувчи шахсига қаратилган бўлиб, уларни бошқача қилиб марказда ўқувчи турган таълим моделлари деб ҳам аташади.

Моделлаштириш – реал хаётда ва жамиятда юз бераётган ҳодиса ва жараёнларни ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини (моделини) синфхонада яратиш ва уларда ўвитучиларни шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутувчи услуб.

Ўрганишнинг тадқиқот – ўқувчиларни муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришини кўзда тутувчи услуб.

Ноанъанавий таълимда кичик гуруҳларда ишлаш, бахс мунозара, давра суҳбати, ишбоб ўйин, лойиҳалаш, йўналтирувчи матн, муаммоли вазият, ақлий ҳужум, ролли ўйин каби усуллар мавжуд.

Анъанавий (таълим жараёни марказида ўқитувчи бўлган) ўқитиш услубларининг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- маълум кўникмаларга эга бўлган ва аниқ маълум тушунчаларни, фанни ўрганишда фойдали;
- ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш мухитини юқори даражада назорат қилиниши;
- вақтдан унумли фойдаланиш;
- аниқ илмий билимларга таяниш ва ҳоказо.

Ноанъанавий (таълим жараёни марказида ўқувчи бўлган) ўқитиш услубларининг афзалликлари эса қуйидагилар:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиш;
- ўз вақтида алоқаларнинг таъминланиши;
- тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши;
- ўқитиш усулларининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши;
- мотивациянинг юқори даражада бўлиши;
- ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши;

- ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши;
- ўқувчиларнинг предметнинг мазмунига ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати;
- мустақил фикрлай оладиган ўқувчининг шаклланишига ёрдам бериши;
- нафақат мазмунини ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантиқий фикрлашни хам ривожлантириш;
- муаммолар ечиш кўникмаларининг шаклланиши ва б.

Ҳамкорликда ўрганиш услуби – ўқувчиларнинг мустақил гурухларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган услуб.

Ўрганишнинг тадқиқот услуби – ўқувчиларни муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришини кўзда тутувчи услуб.

Биз қуйидаги ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган баъзи бир тренинглар (технологиялар)га тавсифнома бериб, баъзиларни ўтказиш тартиби тўғрисида услубий тавсиялар бериб ўтамиз.

“БЛИЦ ЎЙИН” услуби - ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган. Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма кетлигини аввал якка ҳолда мустақил равишда белгилаб, сўнгра ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфикр бўла олишга ёрдам беради.

“БУМЕРАНГ” технологияси – ўқувчи-талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материалларни ёддан сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи талабаларни баҳолай олишга қаратилган. “Бумеранг” технологияси танқидий фикрлаш, мантиқли шакллантиришга, имконият яратади; хотирани, ғояларни, фикрларни, даллилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

“СИНКВЕЙН” услуби – таълим олувчиларни ахборотларни қисқа баён этишга ўргатади, ҳамда олинган маълумотлар устида чуқур изланишга чорлайди.

“ҚОРА ҚУТИ” услуби – ўқувчи-талабалар бу услуб асосида ечиладиган муаммолар аниқ вазиятни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади, муаммолар сабаби йўл-йўлакай аниқланади.

“ЛОЙИҲА” услуби – таълим олувчиларнинг инвидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу услубда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар.

“РЕЗЮМЕ” услуби – ўқувчи-талабаларни бирор мавзунинг ижобий ва салбий томонилари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарларини белгилашни ўрганади. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади

Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Услуб танлаш нафақат ўқув мақсадидан, балки ўқув материал мазмунига ва бу фаннинг мураккаблигига боғлиқ. Бундан ташқари услубларни танлашда талабаларнинг сони, уларнинг ўқув имкониятлари, таълимнинг давомийлиги, ўқув-моддий шароитлар ва ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Жамоавий ўқитиш усули. Бу усул 1918 йилда пайдо бўлган. Педагог Рибин педагогик тажриба ўтказди. Талабалар билан индивидуал ва жуфт-жуфт бўлиб ишлар эдилар: масала ечар эдилар, конспект қилишарди, китоблардан реферат қилишарди, шеърлар ёдлашарди, маърузалар эшитишарди, бир-бирлари ва ўқитувчи олдида ҳисобот беришарди.

Жамоавий ўқитиш усулларининг услубиёти. Жамоавий ўқтиш усуллари қуйидаги тамойилларга риоя қилишни талаб қилади:

ўзгариб турадиган талабалар жуфтлиги бўлиши;

уларнинг бир-бирини ўқитиши;

ўзаро назорат;

ўзаро бошқарув.

Кичик гуруҳларда ишлаш услуби. Кичик гуруҳларда ишлаш талабаларнинг дарсда фаоллигини таъминлайди, ҳар бири учун мунозарада қатнашиш ҳуқуқини беради, бир-биридан аудиторияда ўрганишга имкони туғилди, бошқалар фикрини қадрлашга ўргатади.

Илмий-педагогик тадқиқотларни ўтказиш услубиёти. Маълум бир мавзу бўйича алоҳида ва махсус равишда ўтказилиши керак бўлган энг муҳим масала - бу тадқиқотнинг мақсадлари ва услубикасини ишлаб чиқиш, танланган муаммони ечишда унинг ўрнини, тадқиқот жараёнининг умумий тизимида унинг натижаларини англашнинг аҳамиятини белгилайди.

НАТИЖАЛАР

Эндиликда ўқитиш услубларининг вазифалари ҳақида тасаввур кенгайтирилди. Ўқитиш услубларининг ундовчи, рағбатлантирувчи, уюштирувчи ва назорат қилувчи вазифаларини ажратиб кўрсатилмоқда. Бундай услубларни қўллаш мақсадлари фақат ўқувчиларни ўқитишдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки у тарбия ва ривожлантиришдек вазифани ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам ўқитиш услубларининг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи функциялари

ҳақида гап юритилади. Бу ҳолатни барча услубчилар тан олишади, аммо айни бир вақтда улар ҳар бир услубнинг устунлик қилувчи функцияларини ҳам ажратиб кўрсатишади.

Ўқув услублари муаммоларини ҳал этишда ўқув жараёнида дастурлаштириш услубларининг ҳақиқий имкониятлари ўрганилди, уларни қўллашдаги аниқланган хулосаларга барҳам берилди ва шу билан бирга қисқа муддат ичида ўқувчиларнинг билимлари тўғрисида ниҳоятда кенг ахборот олишга, турли хатоларни, қийинчиликларни аниқлаш ва уларни тезда йўқотишга имкон берувчи дастурлаштирилган назорат воситаларининг ижобий роли аниқланди.

ХУЛОСА

Ўқитиш услублари назариясини дидактикада ривожлантиришнинг хусусияти шундаки, у ўқитиш услубларига нисбатан умумий дидактик ва хусусий услубик ёндошувларни ўзаро алоқада кўриб чиқади. Хусусий услуб услубларидаги қўлга киритилган муваффақият умумдидактик услублардаги тараққиётга олиб келади, уларни ҳар бирининг талқинини бойитади.

Хуллас, ўқитиш воситаларидаги тараққиёт ўқитиш услубларига жиддий таъсир кўрсатади. Ўқитиш услублари тараққиётининг мамлакатимиз шароитидаги фарқловчи хусусияти бу соҳадаги илмий тадқиқотларни янги услубик топилмалар ва усуллар туғиладиган ҳамда узоқ текширувдан ўтадиган илғор ўқитувчилар иш тажрибаси билан узвий бириктириш ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ю.К.Бабанский. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш услублари. Т. “Ўқитувчи”, 1990, 28 бет.
2. Gafforov Ya.X. (2020). Methods for developing a system of teaching history and increasing the effectiveness of history teaching. Индия. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research. 108.
3. Mardonov, Sh., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 27(07), 8104-8111.
4. Usarov Djabbar Eshkulovich, & Suyarov Kusharbay Tashbaevich. (2020). Developing Pupils’ Learning and Research Skills on the Basis of Physical Experiments. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(02), 1337-1346.
5. Абдурахманова Ж. Н. (2020). Инновацион тажриба майдони – “мактаб–лаборатория”нинг таълим тизимидаги ўрни. Муғаллим ҳем ўзликсиз билимлендири. (Issue 1) –Б. 22-26.
6. Абдурахманова Ж. Н. (2019). Тарих фанини ўқитиш усуллари ва уларнинг самарадорлиги // Ta’lim, fan va innovatsiya. T.: 1(4), 35-39.

7. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), 151-156.
8. Абдурахманова, Ж.Н., Тоштемирова, С.А. (2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. *Science and Education*, 1(Issue 7), 436-442.
9. Toshtemirova, S.A. (2019). Klaster yondashuvi asosida mintaqaviy ta'lim tizmini boshqarish. *NamDU ilmiy axborotnomasi*, *1*(11), 361-367.
10. Ғаффоров.Я.Х. (2020). Мактаб ислоҳати ва ўқитиш услубларини такомиллаштириш. Science and education. Sgientific Journal. 2020, 482.
11. Toshtemirova S. A. Ta'lim sifati va uni demokratlashtirish ilmiy muammo sifatida // Uzluksiz ta'lim.-2020. - № 1 (86). - S.5
12. Gafforov Ya.X. (2020). Important aspects of environmental education in the education system. EPRA International Journal. Of research & development. India.. 97.
13. B Javlonbek. (2020). O'zbekistondagi o'qituvchilik huquqini shaklanish tarixiy. O`tmishga nazar 2 (2-maxsus son), 88.
14. G'afforov, Y., Nafasov, A., & Nafasova, Z. (2020). From the History of the Beginning of the "Great Game". Journal of Critical Reviews, 7(11), 2798-2802.
15. Shukurullo Mardonov. Art Pedagogical and art therapeutic technologies in the art classes. *International Journal of Research in Economics and Sosial Sciences, 10* (Issue 6), 26-36.
16. Gafforov Ya. X. (2019). Technical approach in the education system. International journal on Integrated Education. England. 40-41 б.
17. Toshev S. (2020). TARIX FANINI O'QITISHNDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR. Science and Education, 1(Special Issue), 6
18. Тошев, Солежон Аҳматжонович. (2020). ТУРКИЯДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. Science and Education, 1(7), 625-631.
19. Н. С. Кенжаева (2019). Вклад российских ученых в изучение Памира и Припамирья в составе Таджикской комплексной экспедиции 1932 года // Гуманитарное измерение в истории российско-узбекистанских связей. 79-86.